



# Journal of Natural Science №4 (2021)

<http://natscience.jspi.uz>



| <b><u>ТАХРИР ХАЙЬАТИ</u></b>   | <b><u>ТАХРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u></b>   |
|--|--|
| <p><b>Бош мухаррир –</b><br/>У.О.Худанов<br/>т.ф.н., доц.</p>                        | <p>1. Худанов У – Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.<br/>2. Шылова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)<br/>3. Кодиров Т- к.ф.д, профессор<br/>4. Абдурахмонов Э – к.ф.д., профессор<br/>5. Султонов М-к.ф.д,доц<br/>6. Яхшиева З- к.ф.д, проф.в.б.<br/>7. Рахмонкулов У-б.ф.д., проф.<br/>8. Хакимов К –г.ф.н., доц.<br/>9. Азимова Д- б.ф.н.<br/>10. Мавлонов Х- б.ф.д.,доц<br/>11. Юнусова Зебо – к.ф.н., доц.<br/>12. Гудалов М- фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)<br/>13. Мухаммедов О- г.ф.н., доц<br/>14. Хамраева Н- фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)<br/>15. Рашидова К- фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц<br/>16. Мурадова Д- фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</p> |
| <p><b>Бош мухаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b><br/>PhD, доц.</p>                     |  |
| <p><b>Масъул котиб-</b><br/>Д.К.Мурадова</p>   |  |
| <p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>                             |  |
| <p>Журнал 4 марта чикарилади<br/>(ҳар чоракда)</p>                                   |  |
| <p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p> |  |
| <p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>                     |  |

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www/natscience.jspi.uz](http://www/natscience.jspi.uz)

**КРЕДИТ МОДУЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРГА  
КИМЁВИЙ ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУСТАҚИЛ  
ТАЪЛИМНИ ЎРНИ**

к.ф.н. Ш.Р.Шарипов, к.н.ф.Б.М.Абдурахмонов, доц.Д.К.Мурадова

Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси

Г.Тошибекова, Н.Рашидова, Н.Халилова

Жиззах Давлат педагогика институт 3-курс талабалари

**Аннотация -** Ушбу мақолада асосан кимё фанини ўқитишда талабаларни мустақил фикирлашини ревожлантиришда мустақил таълимни амалга ошириш усууларини назарий асослари келтирилган

**Калит сўз:** таълимий инновацион жараён босқичлари, модул, керидит, мустақил таълим, кимёвий назария, тажрибалар, таксономия.

Бугунги кунда янги Ўзбекистони республикасини таълим тизимини янада ревожлантиришда мустақил таълим олувчиларнинг мустақил танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва топиш, ақлий меҳнат маданиятини, мустақил билим олиш малакаларини ривожлантириш замонавий таълимнинг асосий вазифаларидан хисобланади.

Бугунги кунда таълим тизимида педагогик ,инновацион,ахборот комуникацион технология ва таълим технологиялари ҳамда интер актив усууларини қўлаш орқали таълим сифатини оширишга йуналтирилмоқда Доимий ва тез ўзгариб борувчи технологиилар, билимларнинг янгиланиши замонавий шароитларга мослашиш кўникмасига эга бўлиш ҳамда янги билимларга интилишни талаб этади. Бунинг учун талабаларни янги билимларни мустақил ўзлаштиришга ўргатиш керак.

Бугунги кунда кимё таълим тизимида талабаларга кимёвий назарияларни шакллантиришда асосан муаммали таълимда экиспериментал тажрибалар ўтказиш методикасини ўргатиш ва назарияни амалда исботлаш усули бўйича кўникма ҳосил қилишга асосланади.

Купгина методист олимларимизнинг илмий изланишлари натижарига асосан мустақил ўрганиш - бу шахс томонидан билимларни ўзлаштиришда вужудга келадиган хукмлар ва хulosаларни ўзининг субъектив фикри ҳамда мустақил фикирлаш туфайли эътиқодни вужудга келтириш қобилиятидир.

Юқоридаги фикрлар мазмунан ўхшаш бўлсада ҳар бирида ўзига хос ёндашув бор. Бизнинг фикримизча, модул керидит таълим тизимида ўқитувчи томонидан берилган топшириларни ечимларини таълим ресурсларидан фойдаланиб топишлиги ва тақдим этишида талабада вужудга келадиган кимёвий куникмаларни ҳосил бўлишлиги билан шакллантирилади. Шунга

асосланиб, талабаларни мустақил ўрганиш - бу таълим олувчининг муаммо ёки топшириқ ечимиға қаратилган мустақил ва ижодий фаолияти натижасидир.

Ўзбек методист олимларимиздан М.И.Махмутов ва унинг мактаби томонидан утказилган татқиқотлар натижаларидан асосида талабаларнинг ўкув фаолиятида мустақил ўрганишни шакллантиришда педагогик технологиялардан “Кейст” таълим технологиялари асосида амалга ошириш таълим сифатини оширишга олиб келингандига аникланган.

Кўпгина методист олимларнинг фикрига асосан талабаларда мустақил билимларни шакллантиришда асосан дарслик ўкув қўлланма, тарқатма материаллар ва фанга тегишли бадиий адабиётларни ўқишга ўргатишга асосланишини такидлаб ўтилган. Ф.М. Жерар ва К. Рожъелар “дарслик талабаларда мустақил ишлаш малакаларини ривожлантириши, турли ўрганиш методикаларини тавсия этиши, олган билимларини амалиётга қўллашни тақдим этиши керак” деб ҳисоблайдилар. Т.С.Назарова ва Ю.П.Господариклар фикрига кўра ўкув адабиётларининг замонавий авлод ҳам мустақил таълим олиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш асоси, талабаларнинг билим олиш фаолиятини ташкил қилиш воситаси бўлиш ҳамда фанни ўқитишида педагогик технология ва методикаларни қўллаш имконини яратиши керак.

Бугунги кунда кўпгина методист олимларимиз томонидан чиқарилган дарслик ва ўкув қўлланмаларни асосан таълим йуналишини ўқув фан дастурида кўрсатиб ўтилган адабиётларни ўрганишга тавссия этиш зарурдир.

Бир қатор тадқиқотчилар фикрича ўкув адабиётлари танқидий мулоҳаза юритишига имконият яратувчи восита бўлиши керак. Ҳар бир фан маъruzалари муаммоли тарзда бўлиши билан танқидий асосда ўқитилиши, талабаларда ўрганишга, шунингдек танқидий фикр юритилган ўкув адабиётларга нисбатан қизиқишини орттиради, улар қатор фикрлар асосида ўз фикрини мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди, маъруза ўқиган педагог билан мулоқот қилиш учун интиладилар, ўз фикр-мулоҳазаларни ифода қилиш йўлларини топадилар. Демак, талаба ўз билимини танқидий фикрлар асосида ошириб боради ва ҳар қандай ҳолатда ҳам фикр-мулоҳаза юритиш қобилиятини намоён этади[ 1,2,3]

Н.Муслимовнинг фикрича мустақил таълим - билимларни ўзлаштириш тасаввурларини ривожлантириш тушунчалари, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш бўйича ўкув жараёнининг субъектив мақсадига мувофиқ мунтазам, мустақил ҳамда автоном фаолиятни ташкил этиш демакдир.

Мустақил таълим - талабаларнинг ўкув мақсадлари кафолатли эришишларини, шунингдек фан дастурлари доирасидаги ўкув материалларни

самарали ўзлаштиришлари бўйича мустақил ишларни бажаришларини назарда тутади. Ўқитувчилар эса талабаларнинг мустақил таълим олишга интилишларини рагбатлантиришлари ва тўгри йўналтира олишлари лозим. Талаба якка ҳолда самаралироқ ишлайдими; ёки бир неча кишидан иборат гурух билан биргаликда ишлашни ёқтирадими; ўз вақтини кутубхонада ўтказадими; ёки унга интернет тармогидаги мавжуд электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш қулайроқми - талаба мустақил ишни қандай қилиб яхшироқ, самаралироқ ва қулайроқ ташкил этиш кераклигини ўзи ҳам, ўқитувчи ҳам яхши билиши керак. Мустақил таълимнинг асосий моҳияти ҳам шундаки талабаларнинг билим манбаи фақатгина ўқитувчи томонидан машгулотларда берилаётган билимлар бўлиши керак эмас. Мустақил таълим шароитида талаба ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалини ўзи англа-ши ва ҳаракат қилиши, ўқитувчи эса, ўз навбатида, талабаларнинг тадқиқот олиб бориш кўникмаларини, ўтилган материалларни янада чуқуррок ўзлаштириш учун қўшимча маълумотларни излаб топишга ундашлари ҳамда йўналтиришлари лозим.

Мустақил таълимда дидактик ва педагогик тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги даврда талабани мустақил билим олишни самарали ташкил этиш орқали талабани ижодий фаолият юритишга ва шу билан унинг мустақил изланишига ундейди.

Мустақил билим олишнинг мақсади, тамойили, усули, методи, восита ва шартлари аниқ кўрсатилиши зарур ҳамда уларнинг танланиш ва самарали амалга ошириш кўзланган натижага олиб келади.

Ўзбек методист олимларимиздан Н.Муслимов ва Ш.Шариповлар фикрича талабаларда ижодий фикрлашни ривожлантириш учун уларнинг ҳар бирига алоҳида индивидуал ёндашиш лозим. Ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг энг муҳим усулларидан бири талабаларни турли даражадаги муаммоли саволларни ёки топшириқларни ечишга жалб этиш, уларнинг ечимларини мустақил излаб топишга ўргатишдан иборатdir. Амалиётда ижодий фикрлашни ривожлантириш жараёнида муаммоли саволлар ёки топшириқлардан фойдаланиш мумкинлигини тадқиқодлари натижалари асосида исботлаб кўриб, умумий хуносалар чиқарганлар [ 4.5 ]

Бугунги кунга келиб талабаларда кимёвий билим ва кунилмаларни шакиллантиришида ва таълим самародорлигини ва сифатини ошириш учун методист олимларимизни назарияларига асосланиб, эркин фикирлови, мустақил ўз устида ишлайдиган, топшириқларни ўз вактида бажара оладиган талабаларни шакиллантиришда ўқитиш метод ва усулларидан самарали фойдаланишга асосланамиз. Ушбу жараёни амалга оширишда биз

кимё үқитиши методикаси талабаларнинг иккинчи курс талабаларига модул таълим тизимида кимё фанидан топшириқ ва вазифалар бердик ва уларни назоратдан ўтказиб турдик ва натижада талабаларни билим олиш самарадорлиги ошганлигини аниқладик.

Бунда биз ананавий ва ноананавий методлардан фойдаланиб педагогик илмий тадқиқотлар ўтказдик ва олинган натижалар қуйдагича келтирилган. Ушбу жараёни амалга оширишда асосан Чекаго университети профессори Бенжамин Б Блумнинг ўқув мақсадларининг таксономияси асосида амалга оширилди. Бунда асосан қуйдаги олти тоифадаги асосий ўқув мақсадларга йуналтирилди: 1.Билиш; 2.Англаш; 3.Қўллаш; 4.Тахлил; 5.Синтез; 6.Бахолаш.

Методист кимё үқитувчиси талабаларга кимёнинг асосий тушунчаларва қонунлар бўйича билимлар беришда асосан уларга кимё курсида барча моддалар ва бу моддаларни ташкил этувчи кимёвий элеминтлар бир- бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, уларни бир-бирига айланиши ўзаро боғлиқлигини табиатда бўладиган ўзгаришлари орқали тушунрилади. Мана шу ўзгаришларда ҳосил бўлаётган ҳар қандай янги моддалар табиатда материяни бир кўриниш бўлишларини тушунтириш орқали талабаларда материяни ҳар хил кўринишларини шакллантиришга йуналтирадилар. Үқитувчи манашу материаллар орқали ўқувчилар материалистик дунё қарашни шакиллантиришга олиб келади. Үқитувчи кимё дарсларида табиатдаги моддаларни намуналарини демонстрацион усулдан фойдаланиб кўрсатиш орқали ўувчиларда барча моддаларнинг узлуксиз харакатда бўлиши билан, моддаларда содир бўладиган ўзгаришларнинг физик-кимёвий, биологик ва бошқа формалари ана шу харакатнинг характеристига боғлиқ эканлиги билан таништирадилар. Бунда үқитувчи қуйидаги тажрибаларни кўрсатиш орқали материяни харакатида янги моддаларни материяда ҳосил бўлишларини исботлашади.

**Кўргазмали тажриба:**

1. Сувни стаканда қайнатиш ва буг ҳосил булишлiği, сувни ҳаммаси қайнаб учib кетишлиги ва натижада уни буг холатга ўтишлиги;
2. Стакандаги кислотага рух металини тасирида маълум вақт ўтиши билан метални йук бўлишлiği;
3. Стаканга ишқор эритмасидан солиб, уни устига фенофталин эритмасидан қуямиз ва унда қизил ранг пайдо бўлишлiği ва уни устига кислота эритмасидан томизганимизда эритмани ранги йук бўлиб кетишлиги, эритмада янги туз ҳосил бўлишлiği;

4. Спиртни спирт лампасига солиб, уни ёқиб қўрсатиш орқали карбонат ангидрида ва сув буглари ҳосил бўлишлиги;

5. Кумуш хлорид эритмасига ош тузини эритмасидан тасир эттирилганда оқ чўкма кумуш хлорид эритмасини ҳосил бўлишлиги;

6. Форфор чашкага натрий карбонат тузидан солиб, уни устига аста секинлик билан хлорид кислотани эритмасидан томизганимизда газ ҳосил бўлишлиги ва тузни ҳаммаси эриб кетишлиги эритмада натрий хлорид ҳосил бўлишлиги;

7. Стакандаги мис сульфат эритмасига аммиак тасир эттирилса янги комплекс бирикма ҳосил бўлишлигини эритмани рангини ўзгаришни кузатиш орқали аниқлаш мумкин.

Ушбу тажрибаларни қўрсатиш орқали талабаларда материяни бир турдан бошқа турларга ўтишлигини кўришлари орқали оламни тузилиши ҳақидаги тасаввурларга эга бўлишадилар.

Талабалар кимё курсида моддаларнинг таркиби ва кимёвий хоссаларини тушуниб оладилар, хилма –хил материаллар заррачалар билан –электрон, протон ва нейтронлардан тортиб, юқори молекуляр массага эга бўлган органик бирикмалари билан танишадилар: бунда асосан тўйинган ва тўйинмаган углеводородлар, кислород тутувчи органик бирикмалар-спиртлар, альдегидлар, кетонлар, карбон кислоталар, оддий ва мураккаб эфирлар ва нефт зарачалари билан танишадилар. Кимёвий элементларнинг атомлари ўз таркибларининг мураккаблиги хар хил даражада бўлишлиги билан фарқ қиласиган заррача эканлигини билиб оладилар; органик моддаларнинг энг мураккаблари ҳам ўша кимёвий элементлардан ташкил топганлиги ҳақидаги тассовурларга эга бўлишади; атрофимиздаги бутун табиат ўша кимёвий элементлардан таркиб топганлигини аниқлаб оладилар. Ўқувчилар кимё курсини кўпгини мавзуларида асосан эритмаларда борадиган реакцияларда, яъни кимёвий реакция турларида, анорганик бирикмаларда, электролитик диссоцияланиш назариясида, оксидланиш–қайтарилиш реакцияларда, тузлар гидролизида, амфотер эритмаларда ва комплекс бирикмаларни ҳосил бўлишида борадиган кимёвий реакцияларини ўзгаришида кузатишлари мумкин.

Шундан, сўнг методист ўқитувчи материяни илмий асосида қўйидагича умумий хуносалар чиқарадилар:

1. Табиатдаги модда ва ҳодисаларнинг ўзаро boglik эканлиги;
2. Табиатнинг узлуксиз суратда ўзгариши ва тараққий этиши;
3. Микдорий ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши;

4. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши тұғрисидаги назарияларни талабаларга очиб беради. Талабалар кимёнинг асосий қонунлари, назарияларини ўрганишлари орқали кимёвий элементларни ҳосил бўлиш жараёниларини ва уларни хоссаларини ўрганиш орқали, даврий қонун ва системасини атом тузулиш нуқтаи назариядан ўрганиш орқали материя доимо харакатда бўлиб ўзгариб туради, ривожланади ва бу абадий ривожланиш органик оламдагина эмас, балки анорганик оламда ҳам содир бўлади деган умумий холосага келадилар.

Ушбу кетирилган илмий назарияларга асосан кимё курсларида экспериментал тажрибаларни ўтказишда асосан методист ўқитувчининг танлаган методикасига боғлиқ бўлиб, бунда асосан тажрибаларни аста секинлик билан оддийдан мураккабга қараб йўналтириш керак. Бунинг учун қўйдаги тажрибаларни тавсия этамиз. 1. Реакцияни ўтказиш усули, қуруқ ва хўл усулини назарий асосларини билишлиги; 2. Тажрибани ўтказишда ишлатиладиган моддани умуий хоссаларини, яъни физик жихатларини билишлиги; 3. Тажрибани ўтказиш техникасини методикасини билишлиги; 4. Тажрибани ўтказиш усулларини назарий асосларини билишлиги; 5. Эритма ҳосил қилиш ва унда содир бўладиган жараёnlарини индикаторлар назарияси асосида тўлиқ исботлаш усулларини билишлиги; 6. Эритма мухитини аниклашда индикаторларни турлари ва улар қандай ионларини аниклашлигини назарий ҳам амалий жихатдан билишлиги; 7. Тажриба асосида ҳосил бўлган чўкмани ювиш ва қуритиш методларини билишлиги; 8. Тажриба натижасида ҳосил бўлган газ моддаларни сифат жихатдан аниклашнинг назарий асосларини тўлиқ билишлиги; 9. Ҳосил бўлган чўкмаларни фильтрлаш, ювиш, қуритиш амалларни билишлиги; 10. Оддий ва ваакумда моддаларни хайдаш усуллари. Ўқувчиларга кимёвий экспериментал тажрибалар ўргатишда айниқса моддаларни олиниш усуллари ва кимёвий хоссалари ва сифатий реакцияларни ўргатишга асосланилади. Бунинг учун ўқувчиларга қуйидаги тажрибаларни мустақил бажаришларга йуналтириш керак.

**Масалан: Қандай қилиб оксидлардан гидроксидлар олиш мумкин?**

Бунинг учун қуйидаги тажрибани бажариб умумий холоса чиқаринг:

**1-Тажриба:** Учта стакан берилган, уларни ҳаммасига 50 мл сув солинган. Уларга қуйидаги оксидларни таъсир этирамиз: 1. Натрий оксиди; 2. Мис оксиidi; 3. Кальций оксиди; Қайси оксидлар сувда эришligини кузатинг ва эриган оксидларда қандай гидроксидлар ҳосил бўлади. Бу ҳосил бўлган гидроксидларни индикаторлар назарияси асосида исботланг.

2-Тажриба:Форфор чашка олиб унига кальций оксидидан бир бўлак солинг, сўнгра унга аста секинлик билан дистилланган сувдан томчилатиб қуйинг.Нима содир бўлади, реакция тенгламаси орқали исботланг.

3-Тажриба:Пробирка олиб унига алюминий хлорид эритмасидан қуйинг, сўнгра унинг устига натрий карбонат солинг, оқ чўкма ҳосил бўлади.Бу чўкма қандай модда, бу реакцияни молекуляр ва ионли тенгламаларини кетириш орқали исботланг.

4-Тажриба: Бирор пробиркага аммоний хлорид эритмасидан қуйинг, сўнгра унга натрий гидроксид эритмасидан солинг ва аста секинлик билан қиздиринг, натижада газ ажralади ва сув буги ҳосил бўлишилиги пробиркани деворларида нам ҳосил бўлишилигини кўриш орқали ишонч ҳосил қилинг. Ажralиб чиқадиган газнинг хидидан ва индикаторнинг ранги кўкариши орқали исботланг.

5-Тажриба: Хар хил тузларни ўзаро таъсири натижасида бирор янги тузни ҳосил бўлишини исботланг. Бирор стаканга кумуш хлорид эритмасдан солинг, унинг рангига этибор беринг, шундан сўнг унинг устидан натрий хлорид эритмасидан томизинг эритма лойқаланиб чўкма ҳосил бўлишилигини кузатинг ва эритмадан чўкмани ажратиб олинг, реакция тенгламаларини ионли шаклини келтириш орқали қандай модда чўкмага тушганлигини аниqlанг.

6-Тажриба:Эритма рангини йуқолишини аниqlаш асосида борадиган реакцияларига оид тажрибалар. Бунинг учун калий перманганат эритмаси олиб уни кислотали мухитга келтириб, уни бир нечта пробиркага бўламиз ва уларга қуидаги моддалардан томчилатиб соламиз натижада эритмани рангизланиш жараёнларини кўрамиз.1.Натрий сульфид; 2.Натрий сульфит; 3.Аммоний персульфат эритмаси. Ушбу тажрибада рангни йуқолишини реакция тенгламалари орқали исботланг.

Шундан сўнг, талабаларга моддаларнинг сифат жихатдан аниqlашга оид тажрибаларни ўргатишга асосланади.Буни қуидаги тажрибалар асосида амалга оширишга асосланамиз:

1-Тажриба:Қандай усулда эритма таркибида карбонат иони борлигини аниqlаймиз. Ихтиёргизда хар қандай модда мавжуд.

2-Тажриба:Берилган моддалар таркибида хлор аниони борлигини тажрибалар ўтказиш орқали исботланг.

3-Тажриба:Тажриба асосида кумуш хлорид чўкмаси олинди, ўқитувчи шу чўкмани эритиб беришилигини ўқувчиларда сўради. Ушбу чўкмани аммоний гидроксида эришлигини тажрибада кўрсатиб бердилар аммо реакция тенгламаларини ёза олмади.Хуш сиз ўқувчилар бу реакция тенгламани қандай ёза оласизлар. Исботлаб беринг ва изохланг. Шундан сўнг, методист ўқитувчи

талабаларга моддаларни синтез қилиш усулларини тушунтириб, унинг ўтказиш жараёнини методикасини педагогик жихатларини қуидагича тушунтиради:

1. Талабалар моддани синтез қилиш методикасини тахлил қилишлар.
2. Синтез қилишда керак бўлган моддаларни физик ва кимёвий константаларини билишлари керак.
3. Синтез қилиш реакция тенгламаларини ёза билишлари керак.
4. Реакцияни механизмларини ёзишларини билишлари керак.
5. Синтез қилишларда қанча модда олиш кераклигини хисобларини чиқариб, реакцияни унимини ҳисоблашларини чиқара билишлари керак.
6. Тажрибани индивидал ўзлари бажаришлари керак.
7. Синтез жараёнларини тўлиқ кузатишлари учун имкониятлар яратади олишлари керак.
8. Синтез жараёнларини тўлиқ охиригача олиб боришлари керак.
9. Олинган моддани тўғри филтрлаш, ювишлари, қуритиш ва экстракция қилиш жараёнларини тўғри бажаришлари зарур.
10. Тозалаш жараёнлари тўлиқ бажарилгандан сўнг моддани қуритишга куйиб реакция унумини ҳисоблашлари зарурлиги хақида тушунчалар берилади.
11. Синтез қилинган моддани физик ва кимёвий константалари ва хоссалари ўрганилиб умумий хулосалар чиқарилади.

Методист ўқитувчи талабаларга модда ва унда бўладиган кимёвий жараёнларни ўргатгандан сўнг уларга илмий адабиётларни тахлил қилиб янги синтез қилинмаган моддаларни синтез қилиш усулларини топиш кераклиги хақида йўналиш берилади.

Шу усул орқали талабаларда янги кимёвий билимлар, кўникма ва малакалар шаклланишга йўналтирилади.

Талабаларда бундай кимёвий тушунчаларни шаклланиши-бу таксономияга асосан билиш жараёни бўлади. Талабаларни кредит модул тизимида мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришда Б.Блум таксономасини қўллаш таълим сифатини оширига йуналтиради.

Буни янада ривожлантирилса, яни талабалар бажарадиган тажрибаларини илмий адабиётларда ёки журналларни тахлил қилишлиги ва ўзига тегишли манбаларни қидириб топишлиги-бу англаш таксономасини вужудга келтиради.

Талаба мустақил изланишлар орқали илмий адабиётларда келтирилган манбалардан реферат ва курс иши, ҳамда битирув малакавий ишларини ёзиш жараёнида фойдаланиш-бу қўллаш таксономиясини шакллантиради.

Талаба мустақил таълим шараотида мустақил ишлаш орқали унда мустақил фикрлаш қобилятлари шаклланиб боради. Буни талаба илмий адабиётларда тўплаган манбаларни илмий жихатдан тахлил қиласди ва уни бошқа манбаларга нисбатан солиштиради ва ўзи учун керак бўлган манбаларни топишилиги ва солиштириши–бу тахлил таксономиясини шакллантиришга имконият яратилади.

Методист ўқитувчи талабани мустақил таълим имкониятларини янада ривожлантиришда янги топшириклар бериши зарур, қайсики тўплаган манбаларини моҳиятини очиб беришлигини солиштириши тажрибалар ўtkазиш орқали янги моддаларни синтез қилиши ва уни хоссаларини ўрганиши орқали синтез қилган моддаси янги модда эканлигига ишонч ҳосил килишлиги-бу синтез таксономияси.

Талаба мустақил таълим мавзуси бўйича тўплаган илмий манбалар ва ўзи ўтказган экспериментал тажрибалари натижалар асосида илмий журалларга мақоллар ёзиш ёки шунга ўхшаш илмий мақолларга ўзининг танқидий муносабатларини билдиришлиги-бу баҳолаш таксономиясини шакллантиришга олиб келади.

Замонавий тараққиётга мос узлуксиз ривожланиб бораётган кимё ва педагогика таълими талабалар касбий тайёргарлигига янгича ёндашуви бўлгуси ўқитувчиларни педагогик, маданий-маърифий, илмий-тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш; умуммаданий, умумкасбий, фан соҳасидаги компетенцияларни эгаллаш орқали таълим натижаларига эришишни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Кимёниг асослари асосида талабалар касбий тайёрарлиги сифатини таъминлашнинг интегратив методологияси кимё ўқитишининг назарий ва методик жихатдан интеграциялаш орқали амалга оширишлиги кўрсатиб ўтилди. Уларнинг кимё асослари асосида касбий-методик тайёрлаш мазмунини инновацион таълим парадигмалари, кимё таълими назарияси ва амалиётининг тараққиёт тенденциялари, фанга оид компетенцияларини эгаллаш билан бөглиқ кимёвий-методик компетенлигини шакллантириш ташкил этишлиги аникланди.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Омонов Ҳ.Т., Қурбонназаров О.А. Кимё, инсон ва биосфера. –Тошкент: Ўзбекистон зиёлиларининг илмий-маърифий уюшмаси, 1993.-26 б.
2. Шарипов, Ш. Р., & Шарифов, Г. Н. Синтез композиционного полимерного материала на основе метакриловый эфира метилпропилэтинилкарбинола Композиционные материалы научные-технические и практические журнал.- 2020. Узбекистан, 4, 43-45.

3. Шарипов, Ш. Р., Шарифов, Г. Н., Абдуллаев, Н., Насимов, Х. М., Нормуродов, З., & Мирзаев, Ш. (2021). Радиационная сусpenзионная полимеризация ацетиленовых мономеров. *Universum: химия и биология*, (3-1 (81)).
4. Шарипов, Ш. Р., Шарифов, Г. Н., Насимов, Х., Мирзаев, Ш., & Нормуродов, З. (2021). Комплексное изучение сусpenзионной полимеризации ацетиленовых мономеров в присутствии суппозатора. In *Химия, физика, биология, математика: теоретические и прикладные исследования* (pp. 27-35).
5. Шарипов, Ш. Р., & Шарифов, Ф. Н. (2020). Кимё фанини ўқитувчининг креактивлик қобилиятини шакллантириш методлари. Замонавий кимёнинг долзарб муоммалари мавзусида Республика анжумани материаллар тўплами. Бухора, 216-219.
6. Шарипов, Ш., Шарифов, Г., Абдуллаев, Н., Абдусаматова, Д., Рахманов, Б., & Насимов, Х. (2021). Радиационная эмульсионная полимеризация ацетиленовых мономеров. *InterConf*.
7. Шарифов, Г.Н., Шарипов, С.Р., Абдуллаев, Н.К., Раджабоева, Н. (2021 г., февраль). Радиационно-сусpenзионная полимеризация мономеров ацетилена. На *евро-азиатских конференциях* (стр. 213-215).
8. Шарипов, Ш., Шарифов, Г., Абдуллаев, Н., Абдурахманов, Б., Рахманов, Б., & Насимов, Х. (2021). ЭМУЛЬСИОННАЯ ПОЛИМЕРИЗАЦИЯ ЭФИРОВ МЕТАКРИЛОВОЙ КИСЛОТЫ С ДИЭТИЛЭТИНИЛКАРБИНОЛА В ПРИСУСТВИИ ЭМУЛЬГАТОРОВ. *InterConf*.
9. Muradova, D. (2020). <https://jspi.uz/ru/ilmiy-jurnal/ТАБИЙ МАНБАЛАР АСОСИДА АЦЕТИЛЕН СПИРТЛАР ВА НИТРИЛЛАР СИНТЕЗИНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ. Архив Научных Публикаций JSPI>.
10. Rashidova, K. (2020). ISSN раками: 2181-6131 КИМЁ ФАНИНИ УКИТИШДА КУЛЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ УСЛУБЛАР. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
11. Muradova, D. (2020). УДК 378. 174 ATROF-MUHITNING IFLOSLANISHI, UNING TURLARI VA EKOLOGIK XAVFXATARMAVZUSINIO'QITISHDA INTERFAOL METODLARNING QO'LLANILISHI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
12. Muradova, D. (2020). УДК 378. 174 TABIIY FANLARNI O'QITISHDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
13. Шарипов, Ш. (2021). О‘quvchilarda kimyoviy tushunchalarni hosil qilishning pedagogik asoslari. *Журнал естественных наук*, 1(1). извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/300>

14. Egamberdiyev, I. (2020). Анорғаник кимёни ўқитишда тарихий материаллардан дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш шакллари ва методлари. *Журнал естественных наук*, 1(1), 8-13. извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/178>
15. Махаммадиев, Д. (2020). МАЊНАВИЙ - АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА ҲУЖАЙРА ТУЗИЛИШИ ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИДА БЎЛАЖАК БИОЛОГЛARНИ ТАЙЁРЛАШ. *Журнал естественных наук*, 1(1). извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/195>
16. Sharifov, G. (2020). MAKTAB KIMYO KURSIDA ELEKTROLITIK DISOSATSIYALANISH NAZARIYASINI O'QITISH METODIKASI. *Журнал естественных наук*, 1(1), 68-79. извлечено от <https://natscience.jspi.uz/index.php/natscience/article/view/302>